INSON MANFAATLARI — OLIY QADRIYAT
O'ZBEKISTON "ADOLAT" SOTSIAL DEMOKRATIK PARTIYASI
KUCH-ADOLATDADIR
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

ADOLAT

2007 йил 20 июль, жума № 30 (628)

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI

С. 16

Истиқлол — олий саодат!

«ЎзДЭУавто»: ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТ РАМЗИ



Ўзбекистон автомобилсозлик саноати 11 ёшга тўлди. Аслида-ку, юртимизда автомобиль заводи қурилишига давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг 1992 йил июнь ойида Жанубий Кореяга ташрифи чоғида асос солинганди. Ўша йилнинг августида автомобиль ишлаб чиқарувчи қўшма корхона ташкил этишга оид ҳужжатлар имзоланди.

1993 йилга ўтиб, "ЎзДЭУавто" Ўзбекистон – Жанубий Корея қўшма корхонаси рўйхатга олинди ва уни Асакада қуриш ишлари бошлаб юборилди...

1996 йилнинг март ойи. Корхона конвейерларида дастлабки "Дамас" русумли автомобиль ишлаб чиқаришга киришилди. Кейинчалик "Тико", "Матиз", "Нексия", "Ласетти", "Нексия-Донс", "Дамас В-150"...

Яхшиси, рақамларга ва далилларга эътибор беринг:

* Корхона ўз фаолиятининг биринчи йилиёқ 25 мингдан зиёд автомобиль ишлаб чиқарди.

* Кейинги йили бу кўрсаткич 69 мингтага етди.

* Ўтган 2006 йилнинг ўзида 140 минг 80 дона машина ишлаб чиқарилиб, шундан қарийб 83 мингтаси экспорт қилинди.

* Жорий йилда тайёрланиши кўзда тутилган 170 мингта машинанинг ҳам 111 мингтаси четга чиқарилиши кўзланаяпти.

* Ўзбек машиналарига Россия, Озарбайжон, Белорусь, Молдова, Украина, Қозоғистон ва Афғонистонда қизиқиш катта.

* Мустақилликнинг 16 йиллиги байрами арафасида корхона жамоаси "Такума", "Эпика", "Каптива" русумли яна уч хил автомашиналар ишлаб чиқаришга киришади.

* 2007 йил адоғига қадар ана шу русумлардаги 2500 та янги автомобиль йиғиш режалаштирилган.

Эришилган ва эришилаётган бу ютуқлар замирида, шубҳасиз, Мустақиллик берган имконият ҳамда шарт-шароитлар тўла намоён бўлмоқда. Бир сўз билан айтганда, Ўзбекистон автомобилсозлик саноатининг ривожи – республикамиз иқтисодиёти салоҳиятининг ёрқин рамзларидан бири.

Ўз мухбиримиз

АВИАКОМПАНИЯ ЁРҚИН УФҚЛАРНИ КЎЗЛАМОҚДА

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси бугун халқаро авиаташишлар бозорида мустаҳкам ўрин эгаллаб турибди. Мустақиллик йилларида миллий авиакомпания мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаши туфайли соҳада бир қатор ислоҳотларни амалга оширди ва хизмат кўрсатиш сифатини янги босқичга кўтарди.

Бунинг учун ҳаво кемалари парки янгиланди, Ғарбда ишлаб чиқарилган самолётларга техник хизмат кўрсатишнинг замонавий базаси ташкил этилди, аэропортлар реконструкция қилинди ва бутун Ўзбекистон ҳудудида МДҲда ҳаво қатновини бошқаришнинг энг яхши тизимларидан бири ҳисобланган навигация тизими такомиллаштирилди. Юқори малакали кадрлар тайёрлаш бўйича компаниянинг ўз базаси яратилди, авиация хавфсизлигининг самарали тизими ишлаб чиқилди. Ушбу долзарб вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилиши Ўзбекистоннинг жаҳон авиатранспорт тизимига қўшилиши ва унинг тенг ҳуқуқли аъзоларидан бирига айланиши учун имкон яратди.

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" ўз фаолияти давомида парвозлар хавфсизлиги ва ишончлилигини таъминлаш соҳасида бир неча бор нуфузли мукофотларни қўлга киритди. Бу, аввало, Ўзбекистоннинг фуқаро авиацияси соҳасида танлаган стратегиясининг тўғрилигини исботлайди. Истиқлолимизнинг 16 йиллик тўйи арафасида ўтказилган, 2007 йил биринчи ярим йиллиги натижалари сарҳисоб қилинган йиғилишда шулар ҳақида батафсил гапирилди.

Авиакомпания матбуот хизматининг маълумотларига кўра, ўтган олти ой мобайнида 11069 та ҳаво қатнови амалга оширилган. Бу 2006 йилнинг шу даврига қараганда 409 тага кўпдир. Йўловчиларни ташиш 16, юк ташиш 19,4 фоизга ўсди.

Янги йўналишларни очиш бўйича аниқ йўналтирилган ишлар ҳам давом эттирилмоқда. Масалан, 2007 йилнинг олти ойида "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси Сочи ва Қоҳирага мунтазам парвозларни амалга ошира бошлади. Нью-Йорк, Тель-Авив, Бангкок, Бишкек, Санкт-Петербург, Самарқанддан Санкт-Петербург ва Москвага парвозлар сони кўпайтирилди. Термиздан Москвага ҳаво қатнови йўлга қўйилди. Тошкент-Ашхабод, Тошкент-Киев ва Тошкент-Симферополь авиайўналишлари бўйича парвозлар сонини кўпайтириш имкониятлари кўриб чиқилмоқда. Яқин вақт ичида Тошкент-Милан (Италия) йўналиши бўйича илк парвоз амалга оширилади.

(Давоми 2-бетда)

Партия кўзгуси

ХАЙРИХОҲЛАР САФИ ОРТМОҚДА

Ўзбекистон "Адолат" СДП Самарқанд вилоят Кенгаши партия дастурий ғояларини аҳоли ўртасида изчил тарғиб қилиш, омма орасига дадил кириб бориш, хайрихоҳлар сафини кенгайтириш мақсадида кенг кўламли ишларни амалга оширмоқда. Вилоятнинг шаҳар ва туманларида партия фаоллари ташаббуси ва саъй-ҳаракати билан турли қизиқарли учрашувлар, жонли мулоқотлар ташкил қилинмоқда. Бу тадбирлар партиянинг халқ билан алоқасини мустаҳкамлаб, унинг нуфузини, мавқеини оширишга, аъзолар сонини оширишга хизмат қилмоқда.

Туман ва шаҳар партия Кенгашлари, бошланғич ташкилотлар ташаббуси билан ўтказилаётган тадбирларда аҳолини ўйлантираётган турли долзарб масалалар, маъсул идоралар вакиллари иштирокида муҳокама қилинаётгани, энг муҳими, муаммолар жойларда ўз ечимини топаётгани эътиборга молик. Шу туфайли ҳам юртдошларимизнинг "Адолат" СДПга бўлган ишончи ортиб бораётир.

Бугунги кунда вилоятда 2 та шаҳар, 14 та туман партия Кенгашлари, 632 та бошланғич партия ташкилоти фаолият юритмоқда.

Мазкур партия ташкилотларига 22725 нафар аъзоси бирлашган бўлиб, уларнинг аксарият қисмини – 10507 нафарини хотин-қизлар ташкил этади.

(Давоми 2-бетда)

Озод элнинг обод гўшаси

ШОФИРКОН ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

Улуғ алломалар юрти — Шофирконда шу кеча-кундузда кенг қамровли қурилиш ва ободончилик ишлари олиб борилмоқда. Айниқса, туман марказида амалга оширилаётган бунёдкорлик таҳсинга лойиқ.

Хожа Ориф Моҳитобон зиёратгоҳида иш қизғин – қурувчиларнинг қўли-қўлига тегмайди. 2-кўчма механизациялашган жамланма ҳамда «Додбоғни қалъа» ва «Жилвон» корхоналари ишчилари бу ерда ҳар куни минг куб метр ҳажмида тупроқ ишларини бажаришмоқда.

– Зиёратгоҳ ҳудуди 2,5 гектарга кенгайиб, ўн минг туп манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилади, – дейди туман ҳокими Идибой Жўраев. – Айни кунларда қурилиш ишлари зўр уюшқоқлик билан олиб бориляпти.

Зиёратгоҳ ва хотира хиёбони қурилишларидаги ишларнинг салмоғи кўзга ташланиб қолди. Айни пайтда эса ушбу қурилиш майдонларида туман йўл қурилиши ва таъмирлаш корхонаси, ўрмон хўжалиги, "Дўрмон", "Наққош" ММТПлари, ободонлаштириш бўлими ва бир қатор ташкилот ҳамда корхоналар ишчи-ходимлари ҳамжиҳатликда меҳнат қилишмоқда. Ҳомийлик маблағларини жалб этиш ҳисобига бугунгача 150 миллион сўмлик иш бажарилди. 15 минг куб метр ҳажмда тупроқ қазиш-чиқариш ишлари бажарилиб, 5 минг туп манзарали дарахт кўчатлари экилди. Йўлакчаларга махсус плиталар ётқизилиб, ёритгичлар ўрнатилди.

Дарвоқе, туман деҳқон бозоридаги бунёдкорлик ишлари ҳокимликнинг диққат марказида. Қурилиш майдонига яқинлашишингиз билан қад ростлаган улкан айвонга кўзингиз тушади. Бозорнинг асосий ўзак қисми ҳисобланган бу иншоот нисбатан қисқа муддатда тикланди. Тадбиркорлар, ишбилармонлар, ҳимматли фермерлар ва жамоатчиликнинг ҳомийлик маблағлари эвазига вужудга келаётган янги бозор сотувчи ва харидорлар учун барча қулайликларга эга бўлаётир.

– Биринчи галда эски бозор ҳудудида савдо фаолияти билан шуғулланаётган 57 кишига жой ажратилади, – дейди қурилиш штаби бошлиғи М.Шарипов. – 300 та турғун савдо дўкони қурдик, 6 та дўкон қурилиши эса тугалланай деб қолди. Автомашиналар тўхташ жойи ва бозор дарвозалари қурилиши ҳам замонавий андозалар асосида бўлаяпти. Хуллас, туманимиз маркази чирой очмоқда...

Ҳа, Мустақилликнинг 16 йиллиги нишонланадиган қутлуғ кунларда Шофирконга келсангиз, бу ердаги улкан бунёдкорлик самараларидан ҳайратга тушасиз. Туманнинг янги марказини кўриб, истиқлол иқболини тўйиб, озод элнинг обод гўшасига қадам қўясиз.

Д.ЖАББОРОВ,
"Адолат" мухбири

БАЛОҒАТ ЁШИГА ЕТДИ, ИСТИҚЛОЛ!

1991 йил жонажон юртимиз – Ўзбекистон мустақилликка эришди. 1 сентябрь – Мустақиллик куни, деб эълон қилинди. Саноқли кунлардан кейин қутлуғ тарихий куннинг 16 йиллигини зўр шодиёналар билан нишонлаймиз. Ана шу қисқа давр ичида мустақил давлат сифатида Ўзбекистонни юзлаб мамлакатлар тан олди. Байроғимиз она юртимизнинг рамзи сифатида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти пештоқида ҳилпирай бошлади.

Мустақиллик аждодларимизнинг асрий орзу-умиди эди. Улар ўз эркимиз қўлимизга тегадиган кунларни узоқ кутдилар... Мана, энди ўз байроғимизга қувонч ёшлари билан тўйиб боқадиган қутлуғ кунлар келди. Давлатимиз Қомусини ўзимиз яратдик. Мадҳиямиз янграб турибди. Унинг ғолибона садоларидан ғурурланамиз, кўксимиз тоғ қадар ўсади.

Луғат бойлигимизда сўзлар кўп. Аммо улар орасида МУСТАҚИЛЛИК сўзи мисоли қуёшдек порлоқ, баркамол! У бизнинг дилимизга, кўнглимизга боғланган.

Юртимиз мустақилликка эришгач, ватандош шоирларимиз кўкси осмон бўлиб, ғурур ва ифтихор ила уни мадҳ этдилар:

Халқим,
Юртим,
Бошингда Хумо,
Уни асра, учиб кетмасин.
Қора кучлар бордир доимо,
Толеингни забун этмасин.
Мустақиллик, қутлайман сени,
Бор санъатим, баётим билан.
Мустақиллик, асрайман сени,
Керак бўлса, ҳаётим билан.

Ҳа, жўшқин эҳтиросларнинг, тошқин илҳомнинг самараси бу сатрлар. Юрти озод – кўнгли обод элнинг шоирларигина шундай ёзадилар. Бу шуур, бу фахр мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси дил қувончини акс эттиради.

Бугун истиқлол фарзандлари – йигит ва қизларимиз чеҳралари гулгун, қадамлари шаҳдам. Улар билан бирга Истиқлол ҳам балоғат ёшига тўлди. Балоғат ёшинг муборак бўлсин, Истиқлолим! Илоҳо, сенга кўз тегмасин!

Чиндан ҳам, мустақилликни асраш – орномусни асрашдир. Ор-номусли элнинг қадди тик бўлади ҳамиша, ёвдан юртини омон асрайди. Ахир, мустақиллик осонликча қўлга киритилгани йўқ. Зулмлар бўлди, қурбонлар бўлди. Бугун ҳам фаровонлигимизни кўролмайдиганлар бор, тараққиётимиздан ичи зил кетаётганлар бор. Оллоҳга шукрки, юртимиз тинч-осойишта, эл-юрт ўзининг улуғ байрамига ҳозирлик кўраётир.

Ҳамза МУҲАММЕДОВ,
Бухоро автомобиль йўл касб-ҳунар коллежи директори

ЛЕПЧЕНКО – ХАЛҚАРО ТУРНИР ҒОЛИБАСИ!

АҚШнинг Бостон шаҳрида теннис бўйича хотин-қизлар ўртасида ўтказилган нуфузли халқаро теннис турнири ўзбекистонлик Варвара Лепченконинг ғалабаси билан якунланди.

Мукофот жамғармаси 50 минг АҚШ доллари бўлган мусобақада биринчи рақамли ракеткачи сифатида қайд этилган ҳамюртимиз беллашувларда мексикалик Мелисса Торрес-Сандовални 6:3, 6:2, россиялик Мария Мохни 6:2, 6:0, Жанубий Африка Республикасидан келган Натали Грандинни 6:4, 6:4, индонезиялик Санди Гумуляни 6:2, 6:2 ҳисобида мағлубиятга учратиб, финалга йўлланма олди.

Бош соврин учун ўтказилган учрашувда Варвара Ирландия шарафини ҳимоя қилган Келли Лигганга қарши кортга чиқди. Кескин ва муросасиз курашларга бой бўлган сўнгги учрашувнинг биринчи сетини 6:2 ҳисобида ўз фойдасига ҳал қилган ҳамюртимиз кейингисида рақибасига 5:7 ҳисобида имкониятни бой берди. Ниҳоят, ҳал қилувчи - учинчи сетда 0:5 ҳисобида ортда қолаётган Келли Лигган ўзбекистонлик Варвара Лепченконинг яққол устунлигини тан олиб, учрашувни давом эттира олмади ва бош соврин ҳамюртимизга насиб қилди.

(ЎзА)

Самарқанд шаҳрида энг улуғ, энг азиз байрамимиз – мамлакатимиз мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган "Ватан ягонадир, Ватан биттадир" қўшиқ фестивалининг вилоят босқичи якунланди.

Франция пойтахтида Абу Али ибн Сино меросига бағишланган "X-XX асрлар Ғарб санъатида Ибн Сино тимсоли" мавзусидаги илмий конференция бўлиб ўтди.

Мамлакатимиз ғаллакорлари 6 миллион 250 минг тоннадан ортиқ сара дон етиштириб, бу борадаги йиллик шартнома мажбуриятини ортиғи билан бажардилар.

"Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастурига мувофиқ, Наманган вилоятида саломатлик ойлиги ўтказилди.

Украинанинг Мариупол шаҳрида бокс бўйича ўтган анъанавий халқаро турнирда Ўзбекистон терма жамоаси умумжамоа ҳисобида 2-ўринни эгаллади.

Кураш Халқаро Ассоциацияси матбуот хизматининг маълум қилишича, Жазоирда бўлиб ўтган Умумафрика ўйинларида ўзбек курашининг тақдимот маросими ўтказилди.

Қашқадарё вилояти Китоб туманидаги "Ниёзов" масъулияти чекланган жамиятида "Мингчинор" маъданли суви ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

"Экосан" экология ва саломатлик халқаро ташкилоти томонидан ташкил этилган "Саломатлик" поезди Хоразм вилоятига етиб борди.

Бўстонлиқ туманидаги «Товоқсой» оромгоҳида Республика Маънавият тарғибот маркази, «Нуроний» жамғармаси, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида «Инсон қадр топган юрт» деб номланган хайрия тадбири бўлиб ўтди.

ХАЙРИЯ КОНЦЕРТИ

Андижон вилоят мусиқали драма театрида Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театри, Миллий симфоник оркестри жамоалари ва Ўзбекистон халқ артисти Исмоил Жалилов иштирокида хайрия концерти ўтказилди.

– Операни тушунмайдиган миллат йўқ, – дейди опера санъатининг моҳир ижрочиси И.Жалилов. – Биз ижодий жамоамиз билан вилоят ва туманларда концерт дастурларимизни намойиш этамиз. Чет тилини умуман билмайдиган оддий қишлоқ кишилари ҳам итальянча, французча қўшиқларни берилиб тинглашади.

Вилоят театрида бўлиб ўтган концерт санъат мухлисларида катта қизиқиш уйғотди. Концертда оркестр ва Исмоил Жалилов томонидан машҳур жаҳон ва ўзбек бастакорларининг асарлари ижро этилди.

Ўз мухбиримиз

«Адолат» газетасига 2007 йилнинг кейинги ойлари учун обуна давом этмоқда. Нашр кўрсаткичи — 100.
Газета "Ўзбекистон почтаси" АЖнинг барча алоқа бўлимларида чакана савдода мавжуд.

Фармонни ўқиб...

ИШ ҲАҚИНИНГ ЎСИШИ

аҳолининг ижтимоий ҳимоясида энг устувор ва барқарор йўналиш

Мамлакатимиз Президентининг "2007 йилнинг 1 августидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида"ги Фармони фуқароларнинг моддий фаровонлигини ошириб бориш ва аҳолининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш масаласига давлатимиз раҳбарининг шахсан ўзи ҳамда ҳукуматимиз юксак аҳамият бериб келаётганлигининг ёрқин намунаси бўлди. Мухбиримиз мазкур мавзуда Тошкент Молия Институтининг "Умумиқтисодий назария ва иқтисодий педагогика" кафедраси мудири, иқтисод фанлари номзоди, доцент Т.Жўраев билан суҳбатда бўлиб, шу кунларда барчамизни қизиқтириб турган айрим саволларга жавоблар олди.

– Аҳоли пул даромадларининг асосий шакли – иш ҳақи нафақат ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг, балки ижтимоий-сиёсий барқарорликни мустаҳкамлашнинг ҳам муҳим омили, дейишади. Шу ҳақдаги фикрингиз?

– Дарҳақиқат, иш ҳақини ўстириш сиз айтган ўша ҳар икки йўналишда ҳам энг муҳим омиллардан бири саналади. Шунинг учун ҳам мамлакатимизда иш ҳақини изчил ўстиришнинг иқтисодий-молиявий асосларини мустаҳкамлашга катта эътибор қаратиб келинмоқда. Пул муомаласининг мутаносиблиги ва миллий валютамиз нуфузи ошишига эришилмоқда.

Номинал иш ҳақи даражасининг ошиши – аҳоли турмуш фаровонлигининг юксалишида муҳим кўрсаткич бўлган – реал иш ҳақи ҳисобланади. Республикамизда 2002 йилдан бошлаб фуқароларнинг пул даромадларига нисбатан ўртача ойлик иш ҳақининг ўсиш суръатлари юқори бўлишига эришилди. Масалан, 2006 йилда бу ўсиш мос равишда 132,6 ва 141,3 фоизни ташкил этди.

– Реал иш ҳақининг ўсишига ижтимоий тўлов ставкасининг тўхтовсиз пасайтириб борилиши ҳам ижобий таъсир кўрсатмадими?

– Жуда тўғри. Айни пайтда саволингизга ўзингиз жавоб ҳам бердингиз. Ижтимоий тўлов ставкасининг тўхтовсиз пасайиб бориши реал иш ҳақи ўсишига катта ижобий таъсир кўрсатди. Жумладан, республикамизда унинг даражаси 2002-2006 йилларда 15 фоизгача пасайди. Бу – келгусида иш ҳақи реал даражаси ўсиб бориш билан бирга, аҳоли пул даромадлари улуши ҳам узлуксиз ошиб бораверишидан далолат...

– Яқин истиқболда аҳолининг пул даромадларида юз берадиган ижобий ўзгаришларни қандай тасаввур этасиз?

– Яқин йиллар ичида аҳолининг пул даромадлари таркибида кутилаётган ўзгаришларга мувофиқ, унда иш ҳақи улуши 29,4 фоиздан 60-65 фоизга етиши мўлжалга олинган.

Давлатимиз раҳбари иқтисодиётда ишлаб чиқариш ҳажмларининг истиқболда янада ортиши фуқароларни рағбатлантиришга хизмат қилишини назарда тутиб (иқтисодий имкониятларни эътиборга олган ҳолда), 2007 йилда ўртача иш ҳақини камида 1/3 миқдорда, 2010 йилга бориб эса 2,5 баробар ошириш вазифасини қўймоқда. Табиийки, шунга мос равишда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар ва аҳолига тўланадиган тўловлар миқдори ҳам ўсиб боради.

Хуллас, мамлакатимизда иш ҳақининг ўсиши – Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган беш тамойилга асосланган кучли ижтимоий сиёсатнинг мантиқий давоми бўлиб, у аҳолининг ижтимоий ҳимоясида энг устувор ва барқарор йўналишлардан бири.

Суҳбатдош:
Даврон БЕК,
"Адолат" мухбири

Бунёдкорлик

ЯНГИЙЎЛДА ЯНГИ КОЛЛЕЖ

мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилади



Юртимизда энг улуғ, энг азиз байрам – истиқлол тантаналари арафасида кўркам маданий-маиший бинолар, замонавий таълим-тарбия масканларини фойдаланишга топшириш яхши анъанага айланиб бораётир. Яратувчанлик, бунёдкорлик иштиёқида меҳнат қилаётган моҳир қурувчиларимиз бу йил ҳам кўплаб ана шундай иншоотларни юртдошларимизга туҳфа қилиш ниятидалар

Янгийўл туманида истиқомат қилувчи ёшлар мамлакатимиз мустақиллигининг 16 йиллиги шодиёналарини қўшалоқ байрам сифатида нишонлайдилар. Боиси, бу ерда айни шу кунлари барча қулайликларни ўзида мужассам этган янги касб-ҳунар коллежи фойдаланишга топширилади.

720 ўринга мўлжалланган тиббиёт йўналишидаги ушбу илм даргоҳини бунёд этишда "Ишонч-қурилиш лойиҳа" очиқ акциядорлик жамияти қурувчилари бош пудратчи бўлишди. Шунингдек, "Нур-электрмонтаж," 16-механизациялашган кўчма жамланма каби кўплаб ташкилотлар улар билан елкама-елка туриб меҳнат қилишмоқда. Коллеж қурилишида 2 миллиард сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилиши режалаштирилган бўлса, ҳозиргача бунёдкорлар томонидан 70 фоиз юмуш бажарилди.

Д.НИШОНОВА

Суратларда: «Ишонч-қурилиш лойиҳа» ОАЖ мутахассислари Эргаш Исамуҳаммедов ва Набижон Валихонов; қурилаётган коллеж биносининг ташқи кўриниши.

А.МУРОДОВ олган суратлар.



ТАДБИРКОР ИБРАТИ

Хоразм вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиб, эл-юрт фаровонлигига ўз ҳиссасини қўшаётган ишбилармон аёллар сафи кенгаймоқда.

Урганч туманидаги "Зулфия-севинч" хусусий корхонаси раҳбари Зулфия Машарипова аввал тикувчилик цехи очиб, ўнга яқин хотин-қизни иш билан таъминлади. Кейинчалик «Пахтабанк»нинг вилоят бўлими ажратган имтиёзли кредит ҳисобидан замонавий технологияларни келтириб, ишлаб чиқаришни кенгайтирди. Натижада йигирмата янги иш жойи яратилди. Айни пайтда корхонада тайёрланаётган элита пардалар, аёллар ва болалар либослари сифати ҳамда бежиримлиги билан харидорларга манзур бўлмоқда.

Тадбиркор Зулфия Машарипова яқинда яна бир хайрли ишга қўл урди. У Урганч шаҳрида "Оила" соғломлаштириш марказини очди. Марказ қошида спорт секциясини ташкил этиб, замонавий спорт анжомлари билан таъминлади. Бу ерга бадиий гимнастика ва каратэ билан шуғулланиш истагида бўлган йигирмага яқин қиз жалб этилди.

(ЎзА)

ХАЙРИХОҲЛАР САФИ ОРТМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Шу ўринда, йилдан-йилга партия аъзолари сони ортиб бораётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Масалан, жорий йилнинг олти ойи давомида Булунғур туманида 4 та бошланғич партия ташкилоти тузилиб, 144 киши аъзоликка қабул қилинди. Шунингдек, Самарқанд шаҳрида 8 та, Тайлоқ туманида 3 та бошланғич ташкилотлар фаолияти йўлга қўйилди. Кези келганда, вилоятдаги аксарият қуйи партия ташкилотлари етакчилари, фаолларининг фидойилик билан иш олиб боришаётганини эътироф этиш жоиз. Чунончи, Тайлоқ туманидаги 30-мактаб бошланғич партия ташкилоти фаоллари саъй-ҳаракати туфайли бир гуруҳ ўқувчиларга моддий ва маънавий ёрдам бериб келиняпти. Бундай хайрли ишлар сирасига ушбу муассасада бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб ишлаётган Ҳилола Хайриевага беминнат моддий-маънавий ёрдам кўрсатилганини ҳам киритиш мумкин.

Дарҳақиқат, вилоят партия фаоллари "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлашда ҳам ташаббускорлик кўрсатишаяпти. Хусусан, Самарқанд шаҳридаги 60-кўзи ожизлар махсус интернати ўқув биносини таъмирлаш ишларига вилоят Кенгаши ҳомийлик қилиб, 5 ярим миллион сўм маблағ ажратди.

Ургут туман ҳокимлиги ҳамда партиянинг туман Кенгаши ҳамкорлигида кам таъминланган оилаларга уй-жой қуришда яқиндан ёрдам берилмоқда. Шунингдек, "Ипакли" қишлоғида фаоллар ташаббуси билан қишлоқ хотин-қизларини иш билан таъминлаш мақсадида тикув цехи ҳам ташкил этилди. Ҳозир бу ерда тикилаётган кашта, тўн ва бошқа кўплаб миллий либослар харидоргирлиги билан ажралиб турибди.

Илҳом ЖУМАНОВ,
Ўзбекистон "Адолат" СДП
Сиёсий Кенгаши
Матбуот хизмати котиби

"Тошгузар – Бойсун – Қумқўрғон" темир йўл қурилиши кундаликларидан

УЧ УЧАСТКАДАН УЧ ЛАВҲА

17 июль. Бугун Бойсунга боришимиз керак эди. Боролмадик. Иложи бўлмади. "Дарбанд"дамиз. Сурхондарёнинг "Қумқўрғон", Қашқадарёнинг "Шўроб" бекатларидан бошланган темир излар шу ерда туташади. Бунинг учун эса бор-йўғи 12 километрча масофа қолган. Бунга қадар излар тўшалган 200 километр узунликдаги масофада йўл қурилиши билан бирга янгидан-янги қўркам иншоотлар: тиббиёт бинолари, мактаблар, дўконлар ва бошқа хил хизмат кўрсатиш инфратузилмалар бунёд топиб улгурибди...

Вақт шом бўлиб қолаётгани учун биргина киши – "Андижон" участкаси бошлиғи Анваржон Пирматов билан бироз гурунг қилдиг-у, йўл юриб толиққан эканмиз, дам олдик. Суҳбатдошимиз гурунгининг қисқача сатрларини ҳам қоғозга эртага туширамиз...

18 июль. Анваржон Пирматов 1145-пикетдан 1152-пикетгача бўлган масофа оралиғида бир иш сменаси давомида 10 минг куб метр тупроқ ишлари бажарилганини айтиб берди. Бориб кўрдик. Энди 60 метрдан зиёд келадиган 700 метрча масофадаги қиялик нақд 50-55 метрга пасайибди. Ҳайдовчи Ҳошимжон Шойимов (бухоролик) тунги смена давомида ўз машинасида бу ердан 68 марта (рейс) тупроқ ташибди.

Азон пайти ғир-ғир эсган шабада соат 10.00 ларга бориб деярли тинди. Кўкдан қуёш олов пуркашга тушди. Тоғ-тошлар қизиб бормоқда. Ҳар хил қурғоқ ўт-ўланлар орасидан чигирткалар чириллаб, жазилловуқлар жазиллай бошлади. Уларга бульдозер, трактор, экскаватор ва юк машиналарининг ҳайқириғи жўр бўлиб, бу ерда бамисли ҳаво ҳам қайнарди, ҳаёт ҳам...

19 июль. Темир йўл қурилиши кетаётган улкан масофалар 11 та участкага бўлинган. Улар қурувчиларнинг ҳар хил вилоятлардан эканига қараб, "Самарқанд", "Бухоро", "Тошкент", "Андижон", "Қарши", "Қорақалпоғистон", "Қўқон" дея номланган.

"Қоработқоқ" дарасида меҳнат қилаётган "Самарқанд" участкаси жамоаси бу ердан Шўробсойга қадар 7,5 километрча узунликдаги оғир участка қурилишини ўз зиммасига олган.

– Тоғ қояларини йиқитиш осон бўлмаяпти, – дейди портлатиш ишлари мутахассиси Собир Аҳмедов. – Портлатилган жойларни ҳар хил тоғ жинсларидан тозалаш ундан ҳам қийин. Шундай тошлар ва тупроқ гувалалари борки, бульдозерларга ҳам ҳадеганда "йўл" бермайди... Кейин уларни ташиш, ўрнини зичлаш, текислаш, шпаль ётқизиш, энг сўнггида темир излар... Жараён кўп. Лекин иш маромида кетаяпти. Қурувчилар объектни мамлакатимиз мустақиллигининг 16 йиллиги арафасида фойдаланишга топшириш иштиёқида астойдил меҳнат қилишмоқда...

Даврон БЕК,
"Адолат" мухбири

«АДОЛАТ» СДП: ТАШАББУС ВА ТАДБИРЛАР

Сурхондарё:

Ангор туманидаги болалар оромгоҳида туман партия Кенгаши ташаббуси билан ёшларнинг сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган тадбир ташкил этилди. Тадбир "ОИТ-Ссиз келажак сари" деб номланди.

* * *

Вилоят тадбирлар марказида "Етакчи аёллар тараққиёт йўлида" мавзусида учрашув бўлиб ўтди. Тадбирда аёлларнинг жамиятдаги фаоллигини оширишда бундай йиғинларнинг аҳамияти беқиёс эканлиги эътироф этилди.

* * *

Қумқўрғон туманида туман партия Кенгаши ҳамда Халқ таълими бўлими ҳамкорлигида "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси" мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Қашқадарё:

Яккабоғ туманидаги "Менинг оромгоҳим", "Ниҳол" оромгоҳларида "Қувноқ стартлар" ўтказилди. Унда болалар шахмат-шашка, расмлар кўрик-танлови ва гербарий тўплаш бўйича беллашдилар. Фолиблар "Адолат" СДП туман Кенгашининг махсус совринлари билан тақдирланди.

* * *

Қарши шаҳрида вилоят Адлия бошқармаси, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ҳамда "Адолат" СДП вилоят Кенгаши ҳамкорлигида партия фаоллари учун ўқув семинар ташкил қилинди.

Андижон:

Жалолқудуқ туман ҳокимлигида "Адолат" СДП Кенгаши, Бандликка кўмаклашиш маркази ташкилотчилигида тадбир бўлиб ўтди. Унда "Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Президент Фармонининг мазмун-моҳияти, аҳамияти тўғрисида сўз борди.

* * *

Хонобод шаҳар касб-ҳунар коллежида "Озод юртнинг ҳур, етук фарзандларимиз" шиори остида ёшлар сайили ўтказилди. Тадбир туман партия Кенгаши ҳамда хотин-қизлар қўмитаси ва "Маҳалла" жамғармаси томонидан ташкил қилинди.

Навоий:

Вилоят ҳокимлигида "Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги ҳамда "Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига тушунтириш, тарғибот ишларини ташкил этиш мақсадида давра суҳбати бўлиб ўтди.

НОГИРОНЛАР ЭЪТИБОРДА

2007 йилнинг "Ижтимоий ҳимоя" йили деб эълон қилиниши муносабати билан республикамизда ижтимоий ҳимоя тизимининг самарадорлигини оширишга йўналтирилган қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга тадбиқ этилмоқда. Жумладан, Жиззах вилоятида ҳам аҳолининг ночор қатламига сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш, ногиронларни соғломлаштириш бўйича бирмунча ишлар қилинаётир.

Ғаллаорол туманида ёлғиз кексалар, ногиронлар саломатлигини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Улар туман марказий поликлиникасида тиббий кўрикдан ўтказилиб, диспансер назоратига олинган. Айни вақтда уй шароитида йигирма уч, стационар шароитда уч нафар ёлғиз қариялар даволанмоқда. Ижтимоий аҳамиятли касалликка чалинган беморларга дори-дармонлар берилиши йўлга қўйилган. Ана шу мақсадда 1 миллион сўм маблағ сарфланди. Шунингдек, ёлғиз қариялар ва ногиронларга бепул тиш протезлари қўйилмоқда.

Туман марказий поликлиникаси ва қишлоқ врачлик пунктлари шифокорлари туғруқ ёшидаги аёллар ҳамда ёш болаларда темир ва фолик кислотаси танқислигининг олдини олиш борасида белгиланган режа асосида иш олиб боришяпти. Яқинда "Соғлом авлод" жамғармаси ҳисобидан "Йодамарин" дориси олиб келиниб, аҳолига тарқатилди.

Ўз мухбиримиз

АВИАКОМПАНИЯ ЁРҚИН УФҚЛАРНИ КЎЗЛАМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

Бундан ташқари, электрон чипталар тизимини жорий этиш истиқболдаги муҳим вазифа ҳисобланади. Авиакомпания 2008 йил бошида электрон тикетингни жорий этишни режалаштирмоқда. Бунинг учун ҳозир жаҳон авиаташишларни сотиш тизимларида "Ўзбекистон ҳаво йўллари"нинг тўғридан-тўғри йўналишлари бўйича мавжуд барча тарифлар чоп этилган.

Жорий йилнинг биринчи ярим йили "Uzbekistan Airways Technics" авиакорхонаси учун ҳам самарали бўлди. Италиянинг "Air Italiy" авиакомпаниясига тегишли Боинг-757 самолётига илк бор техник хизмат кўрсатилди. Таъмирлаш ишлари сифати ва муддати италиялик мутахассислар томонидан юқори баҳоланди. Буни бемалол авиация техникасига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича Ғарбий Европа бозорига кириш дея ҳисоблаш мумкин. 2007 йилнинг биринчи ярмида "Uzbekistan Airways Technics" Ғарбда ишлаб чиқарилган техникага техник хизмат кўрсатиш маркази ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурини 102,7 фоизга бажарди.

Жорий йил миллий ташувчилар учун аҳамиятли бўлди. Май ва июнда "Боинг" авиация-космик корпорацияси билан иккита "Driamliner" Боинг-787 самолёти ва "Эрбас Индастри" консорциуми билан олтита А-320-200 лайнерини сотиб олиш тўғрисида шартнома имзоланди. Миллий авиакомпания ҳаво кемалари паркини унификация қилиш дастурини амалга ошириш борасида ҳам дастлабки ишлар бажарилди. Ғарбда ишлаб чиқарилган самолётлардан ташқари ўзимизнинг Ил-114-110 лайнерларини сотиб олиш режалаштирилмоқда. Йил охирида "В.П.Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси" давлат акционерлик жамияти авиакомпанияга "Коллинз" фирмасининг энг янги авионикаси ўрнатилган дастлабки иккита машинани етказиб беради.

"Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси бош директори Валерий Тяннинг сўзларига қараганда, авиакомпания парвозлар хавфсизлигини таъминлаш, мамлакатимиз халқ хўжалиги ва аҳолисининг йўловчилар ҳамда юкларни ташиш борасидаги эҳтиёжини тўлиқ ва ўз вақтида қондиришга жиддий эътибор қаратишни давом эттиради. Шу билан бирга, техник ва таъмирлаш базасини яхшилаш, авиакомпаниянинг жаҳон авиаташишлар бозорида эгаллаган ўрнини мустаҳкамлаш, хизмат кўрсатиш даражасини ошириш, юқори малакали кадрлар тайёрлашга ҳам катта аҳамият беради.

Истеъмолчилар эҳтиёжини тўлиқ қондириш ҳар қандай авиаташувчининг устувор вазифаларидан биридир. Авиакомпаниямиз йўловчиларга юқори сифатли хизмат кўрсатишни кафолатлайди. "Ўзбекистон ҳаво йўллари" жамоаси Ўзбекистон авиациясининг эртанги уфқлари ҳақида қайғурмоқда. Бу борада компанияни 2010 йилгача ривожлантириш бўйича махсус режа қабул қилинди. Йўловчилар учун қулайликлар ва парвозлар хавфсизлигини оширишга қаратилган кенг кўламли таклиф ҳамда хизматларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

В.НИКОЛАЕВ,
ЎзА мухбири

Газетада босилмади, аммо...

АМАЛИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИЛДИ

Тошкент вилояти Қибрай туманидаги "Пўлат қадам" маҳалласи "Сой" кўчасида яшовчи фуқаро А.Солиҳовнинг моддий ёрдам олишга ёрдам беришни сўраб "Адолат" газетасига ёзган аризаси "Маҳалла" хайрия жамғармаси вилоят бўлими ҳамда туман ҳокимлиги мутасадди ходимлари томонидан ўрганиб чиқилди. Ўрганиш натижаси юзасидан қуйидагилар маълум қилинади:

Фуқаро А.Солиҳов Буюк Британия ўқув муассасалари билан танишиш ва ўрганиш имкониятига эга эканлиги, лекин бунинг учун 700 АҚШ доллари миқдоридаги маблағ кераклигини маълум қилган. Шуни инобатга олган ҳолда, фуқаро А.Солиҳовга Қибрай туман "Маҳалла" хайрия жамғармаси томонидан 100 000 (юз минг) сўм миқдорида ҳомийлик ёрдами кўрсатилди.

Вилоят ҳокимлиги томонидан ҳомий ташкилотларни жалб этган ҳолда, имкон даражасида А.Солиҳовга амалий ёрдам бериш юзасидан Қибрай туман ҳокимлигига тегишли тавсиялар берилди.

М.КОМИЛОВ,
Тошкент вилоят ҳокимлиги Иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича котибият мудири

Банк кўмагида

Жиззах вилоятида фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш борасида ибратли ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, вилоятдаги тижорат банклари томонидан фермер хўжаликлари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида имтиёзли кредитлар ажратилаётгани соҳа ривожига муносиб улуш бўлиб қўшиляпти.

Акциядорлик тижорат "Пахта банк"нинг Зафарабод туман филиалининг молиявий қўллаб-қувватлаши туфайли бир нечта фермер хўжалигига "ТТЗ-80" русумли тракторлар олиб берилди. Учта фермер хўжалиги 3 йил муддатга чорвачиликни ривожлантириш учун имтиёзли кредитлар билан таъминланди. Дўстлик туман "Пахта банк"и эса ўз маблағлари ҳисобидан жорий йилнинг ўтган даврида 17 та фермер хўжалигига қишлоқ хўжалик техникалари ва сутни қайта ишлаш мини технологияларини харид қилиш ҳамда наслли чорвачиликни ривожлантириш учун жами 544873,2 минг сўм кредит ажратди.

Ш.САРИЕВ

Шарҳловчи минбари

ЖСТ: КАФОЛАТЛАНГАН МАНФААТ

Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) ўзига аъзо бўлган давлатларнинг савдо-сиёсий муносабатларини мувофиқлаштириб туради. Расмий равишда 1995 йилнинг 1 январидан бошлаб фаолият кўрсатаётган ЖСТ котибияти Женевада жойлашган. Жами 500 нафар ходими бор. 145 мамлакат аъзо бўлган.

ЖСТ замонавий халқаро савдонинг ҳуқуқий асосларига таянган ҳолда фаолият кўрсатади. Аъзо давлатларнинг ўзаро савдо муносабатларида юзага келадиган муаммолар доимий ҳаракатдаги анжуманда ҳал қилинади. Битимлар ҳамда шартномаларнинг ижросини назорат қилиш ҳам ана шу анжуман зиммасида. Ташкилотда савдо низоларини ҳал қилишнинг мукаммал механизми ишлаб чиқилгани аҳамиятга молик.

Жаҳон савдо ташкилотининг ўз талаб ва қоидалари бор. Энг муҳими, аъзо мамлакатларнинг бирортаси ҳам савдони мавжуд тартиб-қоидалар билан мувофиқлаштиришда камситилишга йўл қўйилмаслиги керак. Яъни, савдо тариф усули бўйича мувофиқлаштирилади, миқдор ва бошқа жиҳатлардан чеклашларга йўл қўйилмайди, томонлар савдо-сотиқда, айниқса, четдан келадиган товарлар ва кўрсатиладиган хизматлар учун бир-бирларига қулай шарт-шароитлар яратишади. ЖСТнинг барча аъзолари "Кўптомонлама савдо битими" деган ном билан аталадиган асосий битимлар ҳамда юридик ҳужжатларга амал қилиш юзасидан мажбуриятлар олади. Шундай қилиб, ЖСТ ҳуқуқий нуқтаи назардан ўзига хос кўптомонлама шартномалар (битимлар) йиғиндисидан иборат, жаҳон савдосида товарлар ва хизматларнинг 97 фоизини меъёрлар ҳамда қоидалар билан мувофиқлаштириб турадиган халқаро ташкилот ҳисобланади.

Бир йилда бир неча марта барча аъзо давлатлар вакилларидан иборат Бош Кенгаш мажлиси чақирилиб, унда жорий ҳамда ташкилий масалалар кўрилади. Шунингдек, Бош Кенгаш низоларни ҳал қилиш ҳамда савдо сиёсатини таҳлил этиш бўйича фаолият кўрсатадиган тизимлар ишига раҳбарлик қилади, савдо ва ривожланиш, бюджет, молия ва маъмурият, минтақавий савдо битимлари, чеклашлар ва бошқа йўналишлар бўйича қўмиталарни ташкил этади.

Бош Кенгаш ташкилотнинг Бош директорини тайинлайди. Бош директор турли йўналишлар бўйича тузилган Кенгашлар ишига раҳбарлик қилиб, ташкилотнинг бошқа бўлинмалари фаолияти устидан назорат ўрнатади.

ЖСТда турли Кенгашлар доирасида битимлар ва музокаралар бўйича гуруҳлар ташкил этилган. Бу гуруҳлар ишида ташкилотнинг барча аъзолари иштирок этиши мумкин. Ташкилотда ишлар инглиз, француз ва испан тилларида олиб борилади.

Дастлаб ЖСТга 128 та давлат аъзо эди. Кейинчалик улар сони 144 тага етди. Ўттиздан ортиқ давлат кузатувчи мақомига эга бўлиб, уларнинг аксарияти ташкилотга қўшилишнинг турли босқичларида туришибди. Шундай мамлакатлар сафида Украина, Қозоғистон, Саудия Арабистони, Жазоир ва бошқа кўпгина давлатлар бор. Дарвоқе, мамлакатларнинг савдо ташкилотига қўшилиш жараёни бир неча босқични ташкил этади. Биринчи босқичда маҳсус ишчи гуруҳлар доирасида савдодаги шериклар иштирокида иш олиб борилади. Қўшилаётган давлатнинг савдо-сиёсий муҳити ҳамда иқтисодий имкониятлари даражаси ЖСТнинг меъёр ва қоидаларига қай даражада мос келиши ҳар томонлама қиёсланиб, кўриб чиқилади. Шундан кейин номзод давлат билан мазкур ташкилотга аъзоликнинг шартлари юзасидан маслаҳатлашувлар, музокаралар олиб борилади. Бунда, энг аввало, номзод давлатнинг ЖСТ аъзоларига ўз бозори ва хизматлари учун йўл очиб беришга тайёргарлик даражаси эътиборга олинади. Масала ҳал бўлиши биланоқ, янги қабул қилинган давлатга ЖСТнинг барча аъзолари эга бўлган ҳуқуқлар берилади.

Иброҳим НОРМАТОВ,
сиёсий шарҳловчи,
"Туркистон-пресс"

ХОРИЖ АБАРЛАРИ

Шимолий Корея

Пхеньян шаштидан тушди

КХДР жорий йилда ўз ядро объектлари ишини бутунлай тўхтатишга тайёр эканлигини маълум қилди, деб хабар беради ИТАР-ТАСС ахборот маҳкамаси. Жанубий Корея делегацияси раҳбари Чхон Ен Унинг хабар беришича, Пекинда бўлиб ўтган олти тарафлама музокаралар чоғида ана шундай баёнот берилган.



Ўтган ҳафтада Пхеньян келишувларга кўра, ўзининг ядро объекларини тўхтатган. Улар орасида қурол плутонийсини олишга ёрдам берувчи ягона графит реактори ҳам бўлган. Маълумки, Шимолий Корея мазкур ишни ўзининг жанубий қўшниси энергетик ёрдам сифатида ёнилғи мазутини етказиб беришни бошлагандан сўнг амалга оширишга киришди. Халқаро атом энергетикаси агентлиги (МАГАТЭ) бош директори Муҳаммад ал-Бародий ҳам КХДРдаги барча атом иншоотлари ёпилганини маълум қилган.

Эслатиб ўтамиз, Пхеньяндан 100 километр узоқликда жойлашган Йонбендаги реакторни тўхтатиш тўғрисида келишувга жорий йилнинг 13 февралидаёқ эришилган, бироқ АҚШнинг Шимолий Кореяга қўллаган санкциялари натижасида бу битим амалга ошмай қолган эди.

Италия

«Алиталия» норозилиги

Италиянинг «Алиталия» авиакомпанияси ишчилари эълон қилган иш ташлаш Леонардо До Винчи (Фьюмичино) номидаги Рим халқаро аэропортида кўплаб рейсларнинг ушланиб қолишига сабаб бўлди.

Ишчиларнинг мазкур ҳаракати меҳнат шароитларини яхшилашга эришишга қаратилган. Шунингдек, улар жамоатчилик ва ҳукумат эътиборини миллий авиакомпаниядаги номақбул ҳолатга жалб этиш истагида.

Покистон

Стоматолог мўъжизаси

Покистон тадқиқотчилари мамлакат ҳудудидаги эски қабристонларнинг биридан 9 та жағ суягини топишди. Улардаги 11 та тиш пармаланган экан...



Бу тахмин қилинганидан ҳам 4 минг йил муқаддам тишлар пармалаш йўли билан даволанганлигини исботлайди. Пармаланган тишлардаги тешиклар диаметри 3,5 миллиметр. Мутахассисларнинг фикрича, қадимги шифокорлар афтидан майда қаттиқ тошлардан моҳирлик билан фойдаланишган. Олимлар ўша давр цивилизациясининг бу қадар ривожланганлигидан ҳайратланишмоқда.

Бразилия

Сувости кемаси учун 520 миллион доллар

Атом сувости кемасини яратиши керак, деди Бразилия президенти Луис Инасио Лула да Силва.



Давлат раҳбарининг таъкидлашича, унинг биринчи президентлик ваколати даврида мамлакатда бундай режаларни амалга ошириш имконияти йўқ эди. «Аввал бизга маблағ етмаганди, энди бундай бўлмайди», – дея таъкидлади Лула. Президентнинг сўзларига қараганда, Бразилия ҳукумати келгуси саккиз йил мобайнида атом сувости кемасига ёқилғи ишлаб чиқиш учун ҳар йили 130 миллион реал (65 млн. доллар) миқдорида маблағ ажратиб боради. Умумий ҳисобда бу соҳага 1,04 миллиард реал (520 млн. доллар) зарур бўлади.

Дилнура РАҲМАТОВА

Ҳ.АВВАЛОВ олган суратлар.

Бўка туманидаги «Аср» фермер хўжалиги пахта далаларида бўлган кишининг дили яйрайди, бободеҳқон меҳнатига таҳсинлар айтади. Негаки, фермер хўжалиги далаларида ғўза белга уриб қолган, бир нечтадан кўсак туккан. Бу, албатта, 65 гектар ердаги ғўзага ишлов бериш, ўғитлаш, суғориш ишларининг агротехника талаблари асосида олиб борилгани самарасидир.

Баҳромжон Йўлдошев бошчилигидаги фермер хўжалиги ўтган йили 33 миллон сўм соф фойда олди. Ишбилармонлиги ва тадбиркорлиги билан кўпчиликнинг назарига тушган фермер ана шу даромад ҳисобидан фермер хўжалиги қошида тўйхона, чойхона ва маҳалла гузарини бунёд этди. Бу эса, айни пайтда, яхшигина даромад қилиш, фермер хўжалиги аъзоларини текин иссиқ овқат билан таъминлаш билан бирга, янги иш ўринлари яратишга хизмат қилмоқда.

Суратларда: фермер хўжалиги раиси Баҳромжон Йўлдошев ғўза ривожини кўздан кечираяпти; ғўзага ишлов берилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги

Рағбат — ютуқлар омили

Техника – деҳқон қаноти. У деҳқоннинг оғирини енгил, узоғини яқин қилади. Айниқса, бугун аграр соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар самарасини қишлоқ хўжалик техникаларисиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Буни яхши тушунган Бағдод туман машина-трактор парки ишчи-ходимлари мавжуд техника воситаларидан самарали фойдаланиш, ҳайдов, ўрим тракторларини ўз вақтида, сифатли таъмирлаш, шай ҳолатга келтиришга катта эътибор қаратишмоқда. Кўрилган чоратадбирлар кутилганидан ҳам яхши натижа бераётир, дала экинларини вақтида экиш, ишлов бериш, йиғиштириб олишда юксак самарадорликка эришиляпти.

– Бу йилги ғалла ўрим-йиғим ишларига юқори суръатларда ишлайдиган 13 та "Кейс", 15 та "Енисей" ва "Дон" комбайнлари жалб қилинди, – дейди туман МТП акциядорлик жамияти раиси Сайдулло Қосимов. – Улар ёрдамида ғаллазорлардаги ҳосил йиғиштириб олинди. Албатта, иш самарадорлиги ва сифатини оширишда ишчи-ходимларнинг моддий манфаатдорлиги асосий омиллардан. Шунинг учун туман ҳокимлиги томонидан мавсум аввалида ҳар бир комбайнчига бир қоп ун, биттадан гилам мукофот тарзида берилди. Шу билан бирга, улар иш ҳақи билан вақтида таъминланди, илғорлар рағбатлантирилди.

Аграр соҳа таянчи бўлган МТП жамоаси ғаллачиликдаги ютуқ ва муваффақиятлар билан чегараланиб қолмасдан туман "Қишлоқхўжаликкимё" АЖ билан ҳамкорликда ғалладан бўшаган ер майдонларини шудгорлаш, экилган ғўзани парваришлаш, керакли минерал ўғитларни ўз вақтида обитобида амалга ошириш ишларини ҳам бир маромда олиб бормоқда. Бу ишда Мўминжон Жўраев, Олимжон Бойқўзиев сингари тракторчилар барчага ўрнак кўрсатишяпти.

Бахтиёр ТОШНАЗАРОВ,
"Адолат" мухбири

Сўраган эдингиз

ИХТИЁРИЙ ТУГАТИШ ТАРТИБИ ҚАНДАЙ?

Президентимизнинг 2007 йилнинг 27 апрелдаги "Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида"ги қарорига асосан жорий йилнинг 1 июлидан бошлаб тадбиркорлик субъектлари – хусусий корхоналар, фирмалар, дўконлар ва цехларни ихтиёрий равишда тугатишда анча соддалаштирилган тартиб-қоидаларни назарда тутувчи махсус Низом қабул қилинди.

Ушбу Низомга асосан, корхоналар икки тоифага бўлинади. Биринчи тоифага молиявий-хўжалик фаолиятини амалга оширган, иккинчи тоифага эса бундай фаолиятни амалга оширмаган корхоналар киради.

– Низомда ҳар иккала тоифага мансуб корхоналарни ихтиёрий тугатиш тартиби белгилаб қўйилган, – дейди Норин туман солиқ инспекцияси бошлиғи Тоҳиржон Ҳожиев. – Жумладан, молиявий-хўжалик фаолиятини амалга ошириш ва тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий равишда тугатишда қатор имтиёзлар берилади. Хусусан, корхонани ихтиёрий тугатишда унинг молиявий-хўжалик фаолиятини тўхтатиб ер солиғи, ягона ер солиғи, мулк солиғи, сув манбаларидан фойдаланганлиги учун солиқ, шунингдек, барча турдаги солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича устама жарималар (пеньяларни)ни ҳисоблаш тўхтатиб қўйилади. Мол-мулк, тайёр маҳсулот қолдиқлари ва бошқа активларни сотишда солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар амалдаги сотув нархларига асосланган ҳолда белгиланган тартибда ҳисоблаб чиқилади ва тўланади.

Учинчидан, кредиторларнинг талабларини қондириш бўйича илгари кўрилган чоралар бекор қилинади.

Тўртинчидан, корхонанинг таъсис ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тақиқланади.

Бешинчидан, мол-мулкни бегоналаштириш ёки мол-мулкни учинчи шахслар томонидан фойдаланилиши тўғрисидаги битимлар фақат мазкур қарорга мувофиқ тасдиқланган Низом талаблари асосида амалга оширилади.

Молиявий-хўжалик фаолиятини амалга оширмаган тадбиркорлик субъектларини тугатишда қуйидаги ҳолат ва тартибларга амал қилиниши шарт:

Корхонани ихтиёрий равишда тугатиш тўғрисидаги қарор қабул қилинганидан кейин муассис-қатнашчи ўз корхонасини рўйхатдан ўтказган идора билан банкни бу ҳақда хабардор қилади. Бундан ташқари, рўйхатдан ўтказувчи идорага тугатиш тўғрисида матбуотда эълон чиққан санадан эътиборан бир ойдан ортиқ бўлмаган муддатда, эълон чиққан газета ёки журнал сони, давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақидаги гувоҳнома, муассислар ўртасида мол-мулкнинг тақсимланган тўғрисидаги қарорнинг нусхаси, корхона муҳр ва штамплар-тамғалари ҳамда ҳужжатларнинг архивга топширилишига доир маълумотларни тақдим этади.

Корхона томонидан банк муассасасида рақами очилмаганини тасдиқловчи маълумотнома солиқ идоралари томонидан рўйхатга ўтказувчи идорага тақдим этилган тақдирда, бу идора давлат реестрига тегишли ёзувларни киритади ва бир ҳафта муддатда қуйидаги ишларни бажаради: биринчидан, корхона тугатилгани тўғрисида солиқ хизмати ва статистика идораларини хабардор қилади. Иккинчидан, корхона муҳри ва тамғаларини ички ишлар бўлимига йўқ қилиш учун топширади. Учинчидан эса, Республика Халқ банкининг корхона жойлашган ҳудуддаги филиалини унинг тугатилгани тўғрисида хабардор қилади.

Баҳодир ҲАМИДОВ

Фаолият

ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Бугун мамлакатимизда аҳолига коммунал хизмат кўрсатадиган корхона ва ташкилотлар фаолиятини яхшилашга катта эътибор қаратилмоқда. Соҳада кенг қамровли ислоҳотлар жадаллик билан олиб борилмоқда.

Бунинг самараси ўлароқ, аҳолига, айниқса, кўп қаватли уйларда истиқомат қилаётганларга хизмат кўрсатиш сифати тобора яхшиланиб бормоқда. Муҳими, аҳолининг тоза ичимлик суви етказиб бераётган корхоналар хизматидан кўнгли тўқ. Хизмат ҳақини ўз вақтида тўлаб бориб кўпчиликка ибрат бўлаётган истеъмолчилар сони кун сайин ортиб бораяпти.

– Ўтган 2006 йилда аҳоли хонадонларига 37,5 миллион метр куб, улгуржи истеъмолчиларга эса 14,7 миллион метр куб тоза ичимлик суви етказиб берилди, – дейди Самарқанд вилоят "Сувоқова" ИЧБ раҳбари Қодир Тожиев. – Тириклик манбаи бўлган табиатнинг бу мўъжизасини тежаш мақсадида 19,7 миллион куб метр оқова сувлар қайта ишланди. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, қаердаки, аҳиллик, ўзаро ҳамкорлик бўлса, ўша ерда кўзланган мақсадга эришилади. Буни биргина бизнинг фаолиятимизда ҳам кўриш мумкин. Вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари ва жойлардаги мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда олиб бораётган тарғибот-ташвиқот ишлар туфайли қарздорлик даражаси кун сайин пасайиб бормоқда.

Дарвоқе, ушбу ҳамкорликнинг яна бир фойдали жиҳати: ўтган йил давомида вилоят миқёсида тоза ичимлик суви истеъмол қилувчилар тўлиқ хатловдан ўтказилди, 3504 нафар янги истеъмолчи рўйхатга олинди. Бундан ташқари, дебитор қарздорликни камайтириш мақсадида 1245 нафар абонентдан 1636704,2 минг сўм қарзни ундириш тўғрисида судларга даъво аризалари киритилди. Хуллас, корхона 2007 йилнинг январидан шу бугунги кунга қадар аҳолини тоза ичимлик суви билан узлуксиз таъминлашга асосий эътибор қаратиб, дебитор қарздорликни камайтириш чораларини изчиллик билан олиб бормоқда.

О.ҲАКИМОВ,
«Адолат» мухбири

Китоб ўғриси...

Фарғоналик М.Комилович қадимий китобларни чет элга олиб чиқиб пуллаш орқали мумай даромад орттиришнинг пайига тушган экан. Лекин унинг "уддабурон"лиги узоққа чўзилмади.

Тошкент вилоятидаги «Ғишт кўприк» божхона постидан хорижга чиқиб кетаётган пайтида М.Комилова қўлга тушди. Қадимий китоблар экспертизадан ўтказилганида, улар XVIII, XIX аср охирларида яратилган нодир қўлёзмалар эканлиги маълум бўлди.

Шубҳали «КамАЗ»

Арнасой тумани ҳудудидаги айланма йўллар орқали қўшни давлат томон ҳаракатланаётган фуқаро Ш.Сулайманов бошқарувидаги «КамАЗ-5320» автомашинаси жиззахлик божхоначиларда шубҳа уйғотди. Маълум бўлишича, фуқаролар Б.Ҳайитбоев ва Қ.Аманбаев 14 тонна картошкани ноқонуний равишда четга олиб чиқмоқчи бўлишган экан.

Нурбек САЛОМОВ,
Давлат Божхона қўмитаси матбуот хизмати ходими

ПИЁЗПОЯДАГИ «ҚОРА СОЯ»

«...Март ойи ўрталарида деҳқон бозоридан пиёз уруғи сотиб олиб, томорқамга эккандим. Пиёз униб чиққач, бегона ўтларни тозалаётиб, улар ичида кўкнор ўсимлиги борлигини билиб қолдим. Уни алоҳида ажратиб, вақти-вақти билан суғориб, парвариш қилдим. Атай экканим йўқ-ку, пиёз уруғига қўшилиб чиққан, дея ўзимни овутиб юрдим. Кўкнорни бировга сотиб бойлик орттириш хаёлимга ҳам келмаган», дея минг пушаймонлик билан кўрсатма берди фуқаро Б.Раҳмонов «Қорадори-2006» тадбирини ўтказаётган ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларига.

Кекса отахоннинг билиб-билмай қилган хатосидан юзи ерга қаради. Қўни-қўшнилар олдида уялиб қолди. Холислар иштирокида Б.Раҳмонов томорқа еридан олинган кўкнор йўқотилди. Аммо кўнгилни хира қиладиган таассурот қолди.

Қонун барча учун баробар. Ким бўлмасин, жиноят қилдими, қонун олдида жавоб беради. Болта Раҳмонов қилмиши учун Жиноят кодексининг 270-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этишда айбдор деб топилди.

Пешқў туманидаги «Боғимусо» қишлоғида истиқомат қилувчи 70 ёшни қоралаган, кўпни кўрган бу қариянинг қалтис йўлга киргани, унинг нохуш оқибатини ўйламаганидан афсусланасан киши. Фақат биргина илинж бор: бу воқеадан бошқалар ҳам тўғри хулоса чиқарсалар, гиёҳвандлик аталмиш иллат чоҳига тушмасалар бас.

Шуҳрат ҲИКМАТОВ,
Пешқў туман прокуратураси терговчиси

ИБРАТ ОЙИНАСИ

Халқимизда: “Ақл, ақлдан қувват олади”, деган нақл бор. Дарҳақиқат, ҳаётда киши яхши фазилатли инсонларга эргашиб, улардан ибрат олиб, ўқиб-ўрганиб тажриба орттиради, маънавий оламини бойитади. Бу хусусиятлар турмушда унга жуда асқотади.

Биз газетхонларимизнинг талаб ва истакларини инобатга олиб янги – “Ибрат ойинаси”, деб номланган дам олиш саҳифасини очишга жазм этдик. Улуғларнинг панд-насиҳатлари, ўгит ва ҳикматлари, халқимизнинг бой маънавиятига хос фазилатлар тарғиботи, кичик жанрлардаги сара бадиий асарлар, замондошларимизнинг ўрнак бўларли ишлари – булар барчаси мазкур саҳифа – “Ибрат ойинаси” мундарижасини белгилайди.

Турмушда учраб турадиган айрим қусурлар, ҳажв туғига олиниши лозим бўлган ножўя қилиқлар, турфа олам янгиликлари, баъзи бир ғаройиб ҳодисалар ҳам кўпчиликни фикрлашга, мулоҳаза юритиб ўнгсўлига қараб олишга ундайди. Зеро, “Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб зикр қил”, деган ўгит бежиз айтилмаган. Шу маънода, “Ибрат ойинаси”да сиз ҳажвиялар, латифалар, мақолу маталлар, ғаройиб воқеалар ҳақидаги хабарлардан, табобат илмининг йўл-йўриқларидан ҳам баҳраманд бўласиз.

Умид қиламизки, ушбу дам олиш саҳифамиз Сизнинг маданий ҳордиқ олишингизга имкон қадар кўмаклашади, маърифий, маънавий дунёнгизнинг бойишига озми-кўпми ҳисса қўшади.

Тафаккур бўстони

Абдулла ҚАҲҲОР

ЭНГ ЯХШИ ҲИЙЛА – ТЎҒРИЛИК!

Танангда филнинг кучи, чумолининг ғайрати бўлсин.

* * *

Ёшлик – тошқин сув, суғорадиган экинингизни суғориб қолмасангиз, ўтиб кетади.

* * *

Қиз деган ном чиройли “муқова”. Унинг ичида қиздан ҳам чиройлироқ мазмун бўлиши, мутлақо ҳеч қанақа мазмун бўлмаслиги ҳам мумкин.

* * *

Юк кўтар десанг, «Кушман», дейди; уч десанг, “Туяман”, дейди.

* * *

Бақиргандан кўра, мароми билан секинроқ қилинган таъна қулоққа яхшироқ киради, зеҳнга яхшироқ ўрнашади.

* * *

Энг яхши ҳийла – тўғрилик.

* * *

Ёлғизликнинг ўзи бир тутқунликдир.

* * *

Ит очиқ қолган қозонни ялайди.

* * *

Ўзи бошимни зўрға кўтариб юрибман-у, бировнинг бошини айлантиришни менга ким қўйибди?

* * *

Шайх Саъдийнинг ҳикматли сўзи бор: ҳар бир ҳурган итни қува берсанг, манзилга қачон етасан?

* * *

Адабиёт – ҳунар, уни касбга айлантириб олган ёзувчи олмага тушган қуртдан фарқ қилмайди.

* * *

Бу киши қулоққа айтиладиган ишлар билан овора.

* * *

У замонда рост ёлғонни кўрса икки букилиб салом берарди.

* * *

Бировдан сўраш учун ҳам билиш керак.

* * *

Агар яхшилик ғараздан холи бўлмаса, ёмонликдан фарқи қолмайди.

Тўпловчи: С.МАҲМУД



Ризқинг бутун бўлсин, болажон!

Оқибат

ЕР КИМНИКИ?

Қишлоқда бир амаки-жиянларни танирдим. Жиян уруш йиллари бошида туғилган. Фронтга кетган отасидан қорахат келгач, онаси бошқага турмушга чиққан.

Ҳали ёшига етмаган норасида жиян амакининг оиласида вояга етди, уйланди. Албатта, бу ташвишлар амакининг кўмагида амалга ошди. Бироқ, йиллар ўтиб уларнинг оралари бузилди, садоқатга дарз кетди. Улғайиб отасидан қолган ҳовлига эга бўлган жиян айрим бузғунчи одамларнинг гапига кириб, томорқа ер устида амакиси билан жанжалашиб қолди. Мақсади – томорқани тенг бўлиб олиш эди. Табиийки, катта рўзғор эгаси бўлган амаки бу "ультиматум"га кўнмади. Орага обрўли кишилар, масъул ходимлар қўшилишди. Иккаловини ҳам инсофга чақиришди. Бўлмади. Орада икки-уч марта муштлашиб ҳам олишди. Амаки ўкинди, қарғанди: “Етим қўзи асрадим, оғзи-бурним мой бўлди, етим бола асрадим, оғзи-бурним қон бўлди”.

Йиллар шу зайл ўтаверди. Борди-келди узилганига ўн йиллар бўлди. Амаки қон босими ошадиган касалликка, жиян эса инсультга йўликди. Оёқлари касалхонадан бери келмай қолди. Бу орада жияннинг фарзандлари вояга етиб, ҳовли торлик қила бошлади. Сал совуган эски можаро қайта “жонланди”. Нари борса тўрт қадам келадиган орадаги жой “сеники, меники” бўлиб, икки томонни ҳам ҳолдан тойдирди.

Инсульт қайталанди. Жиян эллик ёшни ҳам кўрмади. Орадан беш-олти йил ўтиб, қон босими баландлигидан амаки бандаликни бажо келтирди. Шуларни эслаб, бир китобда ўқиганим ривоят ёдимга тушди:

"Бир одам дебди:

– Бу ер, меники!

Иккинчиси даъво қилибди:

– Йўқ, меники!

Ер дебди:

– Ҳар иккаловинг ҳам меники”.

Хулоса сиздан, азизлар!

Дилмурод ЖАББОР

Ана, холос!

ОЁҒИ ...ҚАЙРИЛАДИ

Германия аҳолининг умумий сонига нисбатан болалар энг кам давлат ҳисобланади – 15 фоиз. Болалари энг кўп мамлакат эса Кения (51 фоиз).

Энг кўп кекса одамлар Швецияда истиқомат қилади – 24 фоиз. Энг ками Қувайтда – атиги 2 фоиз.

Инсон йилига 84 миллион марта кўзини юмиб-очади.

Фил бир дақиқада 10 марта нафас олади, сичқонлар эса 200 марта.

Уйларни рақамлаш илк марта XVIII асрда Лондонда пайдо бўлган.

Мушукнинг олд оёқлари исталган томонга қайрилиши мумкин.

Инсон умри давомида 100 минг километр масофани пиёда босиб ўтади.

Японлар саримсоқпиёздан таом сифатида эмас, тиббий мақсадда фойдаланадилар.

100 грамм асал йиғиш учун асалари 46 минг километр масофани учиб ўтади. Бу бутун Ер шарини экватор бўйлаб кезиб чиқиш билан баробар.

Одам суякларининг тўртдан бир фоизи оёқ қисмида жойлашган.

Европанинг энг кўп шамол эсадиган жойи Шотландия ҳисобланади. Бу ердаги шамоллар бутун Европа шамол энергиясининг 25 фоизини беради.

ЯНГИ САЙЁРА ТОПИЛДИ

Коинотшунос олимлар галактика қаърида ерга ўхшаш янги сайёрани кашф қилишди.

Чилидаги Анд тоғларининг тепасида жойлашган телескоп ёрдамида аниқланган сайёрада ҳаётнинг мавжуд бўлиши учун қулай муҳит мавжуд экан. Қолаверса, у ерда атмосфера ҳам бор, ўртача ҳарорат эса 0 билан + 40 градус атрофида.

Кузатувчилар фикрича, мазкур сайёра узоқ космосга қилинадиган келажак экспедицияларининг асосий нишонига айланиши мумкин. Аммо олимлар сайёра мавжудотлари биринчи бўлиб биз билан мулоқотга киришишлари эҳтимоли юқори эканлигини таъкидлашган. Негаки, янги сайёра Ернинг ёшидан анча катта ва унда ҳаёт вужудга келган бўлса, Ердан кўра анча ривожланган бўлиши мумкин.

2020 йилда сайёрамиз орбитасига жуда кучли телескоп чиқарилиши режалаштирилган. У мазкур сайёра атмосфераси таркибини аниқроқ ўрганиб чиқади.

Нигора ИСМОИЛОВА

Футбол

БУНИ ҒАЛАБА ДЕЙДИЛАР

XIV Осиё чемпионати гуруҳ босқичининг охирги ўйинида Хитой футболчиларини 3:0 ҳисобида мағлуб этган Ўзбекистон миллий терма жамоаси чорак финал йўлланмасини қўлга киритди

Таиланд, Малайзия, Вьетнам ва Индонезия давлатларида ўтказилаётган Осиё кубоги баҳслари ҳал қилувчи паллага кирди. Куала-Лумпур (Малайзия)да уюштирилган «С» гуруҳи учрашувларида қатнашган Ўзбекистон миллий терма жамоаси кейинги босқичга чиқиш масаласини охирги турда ҳал қилди.

Дастлаб эронлик футболчиларга (1:2) имкониятни бой берган вакилларимиз иккинчи турда мезбонлар – малайзияликлар дарвозасига жавобсиз бешта тўп йўллашди. Учрашувларни давом эттиришлари учун ҳамюртларимиз сўнгги турда Хитой терма жамоаси устидан ғалаба қозонишлари зарур эди. Кейинги йилларда футболи жадал ривожланаётган Хитой вакилларини енгиш эса Ўзбекистон терма жамоасидан нафақат кучли иштиёқ, балки катта машаққат ва маҳорат ҳам талаб этарди. Бош мураббий Рауф Инилеев ҳамда катта мураббий Миржалол Қосимов дуэти мазкур муҳим учрашувга ўз шогирдларини жиддий ҳозирлашди. Гарчи, ўйиннинг дастлабки дақиқаларида ташаббус рақиблар томонида бўлган эса-да, учрашувнинг сўнгги йигирма дақиқасида ҳамюртларимиз уюшқоқлик билан тўп суришди. 72-дақиқада Виктор Карпенко жарима тўпини қойилмақом қилиб бажарди ва моҳир ҳужумчимиз Максим Шацких биринчи бўлиб ҳисобни очди. Ўйин тугашига саноқли дақиқалар қолганида ҳамюртларимиз яна икки маротаба рақиб дарвозасини аниқ нишонга олишди – 3:0. Кейинги икки тўпга Тимур Копадзе ва Александр Гейнрих муаллифлик қилди.



Гуруҳнинг иккинчи учрашувида Малайзия терма жамоасини 2:0 ҳисобида мағлуб этган Эрон футболчилари пешқадамликларини мустаҳкамлашди. Якунда эса «С» гуруҳи жадвали қуйидагича кўриниш олди:

1. Эрон	**3**	**2**	**1**	**0**	**6-3**	**7**
2. Ўзбекистон	**3**	**2**	**0**	**1**	**9-2**	**6**
3. Хитой	**3**	**1**	**1**	**1**	**7-6**	**4**
4. Малайзия	**3**	**0**	**0**	**3**	**1-12**	**0**

Шундай қилиб, биринчилардан бўлиб чорак финалга йўл олган Ироқ, Австралия, Япония, Вьетнам, Саудия Арабистони, Жанубий Корея терма жамоалари қаторига Эрон ва Ўзбекистон футболчилари ҳам қўшилишди. Қуръага кўра, энди чорак финалда Ироқ – Вьетнам, Эрон – Жанубий Корея, Япония – Австралия, Саудия Арабистони – Ўзбекистон терма жамоалари ўзаро куч синашади. Дастлабки икки учрашув 21 июль куни ўтказилса, кейинги ўйинлар 22 июлда бўлиб ўтади.

Агар ҳамюртларимиз саудияликларни мағлуб этишса, ярим финалда Япония-Австралия жуфтлиги ғолибига қарши тўп суришади. Бу йўлда футболчиларимизга фақат омад ёр бўлсин!

Аҳрор АЛИМАРДОНОВ

Назар ЭШОҚҚУЛ

XX аср ўзбек ҳикояси

ОЗОД ҚУШЛАР

Тез-тез қадам ташлаб, аёлга етиб олдинг, сўнг у билан ёнма-ён кета бошладинг. Шундагина аёлнинг ҳаддан ташқари гўзал эканлигини билиб қолдинг. Аёл сенга бир қаради-ю, индамай кетаверди. Унинг кўзлари жодули эди. Елкасига ёйилган сочлари худди қоядан тўкилаётган селдек силкиллаб турарди. Аёл сени батамом мафтун қилиб қўйган эди. Изғирин эса сенга рашки келгандек юзларингни тинмай чимчилар, аёлнинг эса оппоқ тиззаларини кўз-кўз қилиш учун этакларини очиб юборарди. Аёл сенга қарамай, дарҳол этакларини ёпар, сен унинг эндигина оқариб келаётган тонг шафағидек билинар-билинмас қизариб кетганини кўриб қолардинг. Аёлнинг лаблари изғиринга жаҳл қилиб титраб кетар экан, негадир бу сенга ҳуш ёқарди, аёл сенга осмондан юборилган туҳфадек, беихтиёр завқинг келиб, жилмайиб қўярдинг. Сен аёлнинг бу шаҳарлик эмаслигини сезгандинг; аёлнинг юзи сўлим, тиниқ ва оппоқ эди. Кўнглингда меҳмонни кўрганда туғиладиган мезбонлик туйғулари жўш уриб кетганди. Аёл бизнинг кўчага адашиб кириб қолган бўлса керак, деган ўйга боргандинг.

– Бу ерлик эмассиз, чоғи, – дединг томдан тараша тушгандек, тўсатдан, сирли қалъадаги қўшинни чамалаб кўраётган маккор лашкарбошидек синовчан оҳангда.

– Йўқ, шу ерликман, – деди аёл йўлида давом этар экан, сўнг сенга қараб, майингина жилмайиб қўйди. Сен аёл ҳазиллашаяпти, деб ўйладинг. Бироқ аёл жуда жиддий ва ўзига ишонч билан гапираётган эди; у бу кўчани кўпдан бери биладигандек эркин ва хотиржам кетиб борар, муюлишлардан ҳам чалғимай ўтарди. У ростдан ҳам аниқ мақсад билан кетаётган сирли қўшинга ўхшарди.

– Унда бу кўчада турмасангиз керак, – дея саволингни дарров ўзгартирдинг.

Бу орада сен яшайдиган уйга яқинлашиб қолгандиларинг. Шу сабабли аёлдан ажралиб қоладигандек безовта бўла бошлагандинг. Вужудингга аёлнинг гўзал кўзларидан сен кўпдан бери кутган ва ҳар кеча ўйлайдиган қизнинг соғинчидек ширин бир орзиқиш оқиб кирганди.

– Йўқ, шу кўчада яшайман, – деди аёл ва шу сўзлари билан сени бутунлай янчиб ташлагандек кибрли назар ташлади. Сизлар ўзинг яшайдиган уйга бурилар экансизлар, яна сўрадинг:

– Қизиқ, мен ҳеч кўрмаган эканман-да, сизни.

– Мен ҳам, – деди аёл.

– Яқинда кўчиб келдингизми?

Аёл энди сенга хўмрайиб тикилди. Хўмрайиш ортида яна қанча саволлар берасиз, бунча шилқим бўлмасангиз деган нозли бир эркалаш ҳам бор эди.

– Мен шу ерда туғилганман. Ота-онам ҳам шу ерда яшашган.

Сен батамом тонг қола бошладинг. Бу маҳаллада фақат ўзинг танийдиганлар яшайди, деб ўйлардинг. Бу кўчада иккита этикдўз жуҳуддан бошқа биронта ҳам ўзга кишиларни кўрмаган эдинг. Кўчадагиларнинг ҳаммаси сенга таниш эди. Бироқ аёлнинг ота-оналарини эслай олмадинг. Зотан, бу кўча сени ва сенинг болалик тасаввурингни серямоқ этагига солиб катта қилган қадрдон кўча эди. Сен уйинг рўпарасига келганда таққа тўхтадинг ва аёлдан ажралгинг келмай, уни уйга таклиф қилмоқчи бўлдинг. Бироқ аёл ҳам сен баробари тўхтади ва сенга ҳайрон бўлиб тикилиб, сумкасидан нимадир излай бошлади.

– Мана шу менинг уйим, – деди аёл ҳам тантанавор, ҳам хайрлашган оҳангда.

Сен жилмайдинг. Аёл сен яшайдиган бу уйни билади ва ҳазил қилаяпти, дея ўйладинг. Лекин аёлнинг ҳаракатлари қатъий эди. У ростдан шу уйда яшайдигандек тутарди ўзини. Шунда эсингга ҳамиша бирон ғаройиб воқеалар ўйлаб юрадиган ошноларинг тушди ва дафъатан миянгга аёлни тағин улар жўнатган бўлмасин, деган фикр келиб қолди. Аёлнинг кўзларидан ҳозиргина отилиб, кейин сочилиб кетадиган ҳазилнинг кўринишларини излай бошладинг. Бироқ аёл ҳамон жиддий, афтидан, ҳечам ҳазиллашгиси келмаётгандек сенга синовчан тикилиб турарди. Унинг кибрли ва мафтункор кўзларидан, чиройли, оппоқ юзларидан, заҳархандалик билан қимтиб олган лабларидан атрофга ёт бир малоҳат тараларди. Аёл сумкасидан худди сенинг қўлингдагидек калит чиқариб, эшикни оча бошлагач, бир зум эсанкираб қолдинг.

– Кечирасиз, – дединг иложи борича қувноқ товушда. – Мен ҳам шу уйда яшайман.

Аёлнинг кўзларида ҳайрат ва ғазаб жилваланди. Сўнг буларнинг ўрнида қаҳр ўйноқлай бошлади. У сени қандекдир кўча шилқими деб ўйлаётган эди. Унинг кўзларидан бу фикрни уқиб олдинг-у, хўрлигинг келди.

– Агар ишонмаётган бўлсангиз, мана, марҳамат қилинг.

(Давоми келгуси сонларда)

ADOLAT
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СДП СИЁСИЙ КЕНГАШИ
www.adolat.uz • E-mail: adolat_gazeta@mail.ru

Таҳрир ҳайъати
Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА, Шермат ШАМСИЕВ, Иқбол МИРЗО, Светлана ОРТИҚОВА, Турсунали ҚЎЗИЕВ, Мукаррамхон АЗИМОВА, Турғунпўлат ДАМИНОВ, Жуманиёз АЛИБЕКОВ, Равшан ҲАЙДАРОВ, Камол АЛЛАЁРОВ, Мамазоир ХЎЖАМБЕРДИЕВ, (Бош муҳаррир ўринбосари), Исмоил САИФНАЗАРОВ, Талъат МУРОДОВ, Собир ТУРСУНОВ,

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган
Телефонлар: қабулхона – 136-53-14; факс – 133-40-86; котибият – 136-55-96; реклама бўлими – 133-41-89
Манзил: 700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди
• «Адолат»дан кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
t – Тижорат мақолалар белгиси.
Нашр индекси – 100
Навбатчи – Б.ТОШНАЗАРОВ
Саҳифаловчи – З.БАКИРОВ

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма Г – 601. Ҳажми – 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Адади – 2851. Босишга топшириш вақти – 21.00. Босишга топширилди – 2 3 4 5